



O'ZBEKISTON
REPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 23 ноябрь, № 232 (4385)

Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган 2007 йилги жаҳон биринчилигида чемпионликни қўлга киритиб, жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган спортчи ёшларни тарбиялашга, ўзбек футболининг шухратини дунёга таништириш, унинг нуфузини юксалтиришга катта ҳисса қўшгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Исмаилов Анвар Акбарович — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг бош мураббийси

«Ўзбекистон ифтихори»

Абдурахмонов Азиз Абдукаримович — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Азимов Азизжон Каримович — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Сулеймонов Павел Таджибаевич — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Ташходжаев Зоҳидходжа Олимович — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Турсунбаев Хайдарали Умаралиевич — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Шуқуров Абдухамид Абдулазизович — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 22 ноябрь

ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ НАМУНАСИ

Туркиянинг Анталия шаҳрида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган VII жаҳон чемпионатида шоҳсупадан жой олган Ўзбекистон терма жамоаси Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.

▼ Офарин!

Миллионлар ўйини — футбол ҳақида гап кетганда, "Майдон текис, тўп юмалоқ", деган иборани ишлатамиз. Лекин шу текис майдонда рақибга чап бериб, маҳорат кўрсатишнинг ўзи бўлмайди. Баъзан футболчилар жараҳат олиб, майдондан чиқиб кетган холларга гувоҳ бўлганмиз. Бу оддий футболдаги манзара. Лекин, тасаввур қилинг: майдонда ўзини фидо қилиб, юрти, миллати ор-номуси учун курашган йигитлар... ногиронлар бўлишса. Бу шунчаки ўйин эмас, унинг номи ЖАСОРАТ.

Имконияти чекланган фут-



болчилар еттинчи бор жаҳон чемпионатида тўплаганини. Ҳамюртларимиз қалбларидан зўр гуруҳ билан Анталияга етиб боришганида, албатта, совриндор бўлишни дилларига тугиб қўйишганди. Шуниси қувончлики, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари шоҳсупага зафарли йўлдан ўтиб боришди. Баъзан спорт оламининг олий мукофотига сазо-

вор бўлган терма жамоалар дастлабки гуруҳ ўйинларида дуранг натижага эришган, хатто, ютказиб қўйган ҳолатлар ҳам бўлган. Бизнинг матонатли йигитларимиз кам эмас, саккиз ўйинда саккизта галаба қозонишди. Яна кимларнинг устидан денг, дунёга қўлаб футбол киролларини етиштириб берган Бразилия терма жамоасини 4:2, қўп йил-

лар ҳал қилувчи учрашувларда бизга асосий рақиб бўлган россиялик футболчиларни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Қўйингки, чемпионат давомида дуч келган ҳар қандай рақибни (Сьерра-Леоне 3:0, Эрон 3:1, Нигерия 3:0, Украина 2:0, Либерия 7:1, Туркия 2:1) доғда қолдирдик.

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

20–22 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди

Депутатлар Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақдир этилган кун тартибининг тасдиқланди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси Ф. Комиллов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун тақдим этди. Савол-жавоблар ҳамда ҳужжатнинг ҳар бир моддаси батафсил муҳокама қилинганидан кейин Қонун қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси Ф. Ражабов тақдим этди. Модда-модда муҳокама чоғи-

да депутатлар томонидан билдирилган бир қатор тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва уни учинчи ўқишда қабул қилиш учун маромига етказишни маъсул қўмитага топширди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси М. Абдуллаева «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳасининг модда-модда муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар бола ҳуқуқлари ҳимоясининг ҳуқуқий базасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим эканлигини таъкидладилар. Билдирилган тақлифлар ва фикр-мулоҳазаларни ҳисобга

олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди. Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги халқаро конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқди. Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қонун қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида Шартнома» (Ашхобод, 2007 йил 18 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси аъзоси У. Жалмонов тақдим этди. Батафсил мулоҳазадан кейин Қонун қабул қилинди.

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси Ф. Солиев «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар маъруза ҳужжатини муҳокама қилиб, қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Депутатлар Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси А. Аҳдовнинг маърузасини тинглаб, Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси лойиҳасини кўриб чиқишга кир-

ришдилар. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этиб, мамлакатнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш муҳим эканлигини таъкидладилар. Депутатлар қонун лойиҳасида қўлланилаётган асосий тушунчалар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тақлиф этилаётган тизими, солиқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи нормалар, солиқ мажбуриятларининг бажарилиши, шунингдек, солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик, бир қатор бошқа қондалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилиб, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасига қабул қилинган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини маромига етказиш ва учинчи ўқишда муҳокамага киритишни топширди.


Қонунчилик палатасининг мажлиси 2007 йил 23 ноябрь кунини давом эттирилади. (ЎЗА).



Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат.

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ДАСТУРИ



Бугун Ўзбекистон, авваламбор, ўзининг куч ва имкониятларига таянган ҳолда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият ва устувор мақсад қилиб қўйилган эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан оғишмай қатъият билан бормоқда.

тарихий ўзгаришлар ва биз эришган улкан натижалар мамлакатимизни ислоҳ этиш, янгилаш ва модернизация қилиш йўлида халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш бўйича қабул қилинган узоқ муддатли стратегиянинг ҳар томонлама чуқур ўйлангани, унинг нақадар тўғри ва ҳаққоний эканини яққол тасдиқламоқда.

Тарихан кичка муддатда эски, ўз умрини ўтаб бўлган мустабид совет маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечган ҳолда, демократик принциплар асосида миллий давлатчилик ва ижтимоий институтларни шакллантириш, Ўзбекистоннинг суверенитети ва худудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган замонавий Куролли Куларни, ҳуқуқ-тартибот органлари ва хавфсизлик хизматларини ташкил этиш бўйича ўта муҳим ва маъсулият қадамлар қўйилди.

Бизга мерос бўлиб қолган, республикамизни фақат хом ашё етказиб берадиган маконга айлантирган, бир ёқлама ва ноқор иқтисодиётдан воз кечиб, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ва салоҳиятини мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга оширдик.

Асосий маъно-моҳияти иқтисодиётнинг мафқураддан тўла холи бўлиши, давлатнинг бош ислохотчи экани, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиши, ислохотларни босқичма-босқич, изчил амалга оширишдан иборат бўлган, бугунги кунда тараққиётнинг «Ўзбек модели» сифатида тан олинган машҳур беш тамойилга асосланган бу ислохотлар бизнинг ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадлар сари илгариллаб боришда бугунги кунда ҳам ҳал қилувчи дастуриламал бўлиб келмоқда.

Мухтасар айтганда, биз ўзимизга шаор қилиб олган "Ислохотлар — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун" деган тамойил бугун амалда ўзини тўла оқламоқда.

Биз кейинги йилларда мамлакатимиз тараққиёти йўлида қўлга киритилган юксак марралар — иқтисодиётимизнинг қиёфасини тубдан янгилаган таркибий ўзгаришлар,

экспорт салоҳиятининг ортиши, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий кўрсаткичлар, энг муҳими, шу аснода фуқароларимизнинг ҳаёти сифати ва даражаси сезиларли равишда яхшиланиб бораётгани билан ҳақли тарзда фахрланамиз.

Шу билан бирга, бир ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз зарур. Биз истиқлол йилларида қайси соҳа ва йўналишда бўлмасин — бу иқтисодиёт ва сиёсат, давлат ва жамият қурилиши бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ёки маданият ва маънавий соҳалар бўладими — эришган барча ютуқларимиз ўзимизники ва уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайдими. Шунинг учун ҳам бу муваффақиятларга маҳлиё бўлмасдан, улгарга танқидий баҳо беришимиз, доимо излана ва олдинга интилиб, марраларни баянда қўйиб, янги ва юксак мақсадлар билан яшашимиз даркор.

Бугун биз мамлакатимизнинг жадал тараққиёти этиши ва янада обод бўлиши, унинг дунёдаги ривожланган давлатлар сафинда муносиб жой олишини таъминлайдиган, жамиятимизни ислоҳ этиш ва модерни-

зация қилишга қаратилган узоқ муддатли мақсадли вазифаларни амалга ошириш жараёнининг янги босқичида туришимиз.

Ўз олдимизга қўйган ана шу мақсадларга эришишда энг муҳим ва асосий устувор вазифалар нималардан иборат?

Биринчидан. Биз бошлаган ва ўзини амалда ҳар томонлама оқлаган мамлакатимизни модернизация қилиш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизнинг жадал суръатлар билан ўсиши ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлашга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштириш, бу йўналишларни амалга оширишнинг асосий шартини бўлиши тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатининг изчил қадамлар билан эркин ривожланишига кафолат ва имтиёзлар берадиган сиёсатни давом эттириш ва кучайтириш — эзгу мақсадларимизга етишни асосий омил ва шартидир.

Бу борада иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришларни янги босқичга кўтариш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, солиқ юкани камайтириш, юксак техно-

логиялар билан қуролланган тармоқ ва ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини янада қулай шарт-шароитларни яратиш бундан кейин ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Иккинчидан. Биз ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эришиш йўлида ўрта синф вакиллари — тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва хусусий бизнес тузилмаларининг, барча моддий ва интеллектуал мулк эгаларининг манфаатларини устун қўйиш, уларга тўлиқ имтиёз ва имкониятлар яратиш бериш, уларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишда аҳолининг социал қатламлари ўртасида ҳаёт даражаси ва даромад кўрсаткичлари бўйича кескин табақаланишга йўл қўймаслик тамойилига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Учинчидан. Миллий давлатчиликни барпо этиш ва мустаҳкамлаш жараёнида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтишга эришиш давлат ва жамият қурилиши соҳасида асосий вазифамиз бўлиб қолади муқаррар.

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН


24 соат
ичида

**Тошқиндан
жабрланганларга ёрдам**

Бангладешда «Сидр» циклон оқибатида сув тошқини рўй бериб, 2,4 минг нафар одам вафот этгани, юз минглаб одамлар бошпанасиз қолгани ҳақида аввал хабар берган эдик. Кеча БМТ табиий офат оқибатларини тугатиш учун

Бангладешга 8,8 миллион доллар маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳақда БМТ Бош қотиби вакили Мишель Монтас берган маълумотга таяниб, ИТАР-ТАСС хабар тарқатди.

Эллик олти йилдан сўнг



Шу йилнинг 11 декабридан бошлаб **Корея халқ демократик республикаси ва Корея республикаси ўртасида поезд қатнови йўлга қўйилади.**

Икки корей давлати раҳбарлари имзолаган шартномага мувофиқ, дастлаб юк поездлари ҳаракатлана бошлайди. ИТАР-ТАСС хабарига айтилишича, 1951 йилда ёпиб қўйилган темир йўлнинг қайта очилиши Корея республикасига Россия орқали Европага чиқиш имконини беради.

Олтин ерда қолмас

Мексикалик таниқли рессом Рубино Тамайонинг «Уч персонаж» асари кеча Sotheby's кимода савдо-сидда 1 миллион 49 минг АҚШ долларига сотилди.

Бу асар Техасда истиқомат қилувчи оилага тегишли эди. Лекин 1987 йили у йўқолиб қолади. Ёзувчи Элизабет Гибсон 2003 йилда чиқиндиҳонадан бир картина топиб олади ва уйига олиб келади. Худди шу кун телевидорда йўқолган картиналар ҳақидаги дастурда, у топиб олган асарнинг сурати-

ни кўрсатишди. Ёзувчи топилдиқни экспертизага олиб боради ва экспертлар ёрдамида унинг эгасини топади. Асар эгаси Гибсонга 15 минг доллар мукофот пули беради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ёзувчига ким ошди савдосидан тушган пулдан ҳам маълум фоиз туланади.

Ўт балоси

Хабаровскда жойлашган Тинч океани ҳарбий флотига қарашли омборда кеча тунда содир бўлган ёнғин оқибатида 36 та уй ёниб кетди, 57 нафар одам бошпанасиз қолди, бир киши ҳалок бўлди. Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Хабаровск ўлка бошқармасидан олинган хабарга қараганда, ҳозирда жабрланган ва бошпанасиз қолганларга тезлик билан ёрдам кўрсатишмоқда.



Хабарда айтилишича, ёнғинга кучли шамол сабаб бўлган. Кучли шамол туфайли ўлкадаги 11,5 минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган тўртта посёлка электр энергиясиз қолган.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2007 йил 4, 6, 11, 13, 18, 20, 25, 27 декабрь, 2008 йил 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24, 29, 31 январь кунлари соат 11.00 да Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобононов кўчаси, 23-уй, Республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) Хоразм вилояти филиали биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган **очиқ аукцион савдосига Хоразм вилояти хўжалик сўдининг 2006 йил 4 мартдаги 22.06.06-37-сонли ва 2007 йил 8 январдаги 22.06.06-5802-сонли ижро варақаларига асосан Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Хоразмавтойўл» МИХПТФга қарашли қуйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:**

1. Урганч туманининг Паррандачилик фабрикаси қўргонида жойлашган чорвачилик мажмуаси (комплекс). Бошланғич баҳоси — 59 564 840 сўм.
2. Урганч шаҳрининг Шовет канали бўйида жойлашган, 1 қаватдан иборат ер ости қурилиш майдони 570,92 м², фундаменти темир-бетон, девори гишт ва пластик материаллардан, томи темир-бетондан, том қопламаси металл черепидан, ойна ва эшиклари пластик, поллари бетон, мрамар ва ёғочдан қурилган, «Истиқлол» кафетерийси (электр, газ, ичимлик ва оқова сув, иситиш тармоғи бор). Бошланғич баҳоси — 114 784 045 сўм.

Юқоридаги мулклар билан суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари 2007 йил 4, 6, 11, 13, 18, 20, 25, 27 декабрь ва 2008 йил 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24, 29, 31 январь кунлари соат 11.00 да ушбу мулклар сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризалар қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида катнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини РКМБ Хоразм вилояти филиалининг (савдо ташкилотчиси) қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар:

АТИБ «Ипотека» банки, «Тинчлик» филиали,
МФО 00580, х/р 20210000700571452056, ИНН 200933850.

Манзил: Республика Кўчмас мулк биржасининг Хоразм вилояти филиали, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобононов кўчаси, 23-уй (Мўлжал — Урганч шаҳар Халқ таълими бўлими). Телефонлар: (8-362) 226-32-63, 226-43-64. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

НУКУС ШАҲРИ, А. ШАМУРАТОВА КЎЧАСИ, 177-«Б» УЙДА ЖОЙЛАШГАН
РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИЛИАЛИ

нархлари охири бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкни кўйилмоқда:

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик сўдининг 2007 йил 17 сентябрдаги №23-0706/9436, 2007 йил 15 январдаги №23-0602/12275, 2007 йил 13 июлдаги №23-0703/5644, 2007 йил 23 апрелдаги №23-0702/1837 ва 2007 йил 2 октябрдаги №23-0704/10680-ижро варақаларига асосан ҚР Шуманай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, ҚР Шуманай тумани «Дослик байрағи» ОФЙда сақланаётган, 1984 йилда қурилган 1 қаватли омборхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 40 240 162 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йил 13, 28 декабрь кунлари ва 2008 йил 14 январь кунлари соат 11.00 да юқорида кўрсатилган кўчмас мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида катнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини РКМБ Қорақалпоғистон филиалининг (савдо ташкилотчиси) қуйидаги ҳисоб рақамига: Миллий банк Қорақалпоғистон филиалидаги МФО 00582, ИНН 200933850, 20210000100571452055 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Тўлов топшириқномаларида (квитанциялар) ижро ҳужжатининг тартиб рақами, санаси ва объект номи аниқ кўрсатилиши лозим.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун савдо ташкилотчиси номига қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади: савдода иштирок этиш учун ариза ва закатлат пули тўғрисидаги келишув; жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси; юридик шахслар учун юридик мақомини белгиловчи ҳужжатлар нусхаси; ўрнатилган тартибда тасдиқланган ишончнома (вакиллар учун).

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар пул маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотларни қўшимча равишда тақдим этишлари шарт.

Аукцион савдоларига қўйилган мулк билан танишиш истагида бўлган талабгорлар Республика Кўчмас мулк биржасининг Қорақалпоғистон филиалига эълон чиққан санадан бошлаб ҳафтанинг хар душанба ва чоршанба кунлари соат 18.00 га қадар мурожаат этишлари мумкин. Ушбу кўчмас мулк бўйича хабарномалар «Еркин Қарақалпоғистон» газетасининг 2007 йил 13 ноябрдаги 138-сонли ва «Вести Қарақалпоғистон» газетасининг 2007 йил 13 ноябрдаги 90-сонидан чоп этилган.

Манзил: Республика Кўчмас мулк биржасининг Қорақалпоғистон филиали, Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй. Тел.: (8-361) 222-84-44, 770-65-90. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

Минск автомобиль заводининг
Ўзбекистондаги расмий вакили

«ADVENT EURASIA» ИҚК

«МАЗ» русумли барча турдаги автомобиллар, шу жумладан, автобуслар, троллейбуслар, махсус техника, тиркама техникалар, автокран, автомобилларга бензин қуювчи ва эҳтиёт қисмларни етказиб беришга буюртмалар қабул қилади.

Етказиб берилган техникалар «ADVENT EURASIA» қўшма корхонаси сервис хизмати кўрсатиш шохчасида рўйхатга олинади ва техник хизмат кўрсатилади.

Кафолат муддати — 3 йил.

Тел./факс: 234-10-37,
Телефон: 234-10-38.
Манзилмиз: Тошкент ш. В.Малаянбаев к. 3-«А» уй, 4-қават, 413-хона,
Мўлжал — «Юдуз» фабрикаси.

ЎЗБЕКНЕФТАЗ-МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
ЎЗНЕФТАЗКАЗИБЧИКАРИШ АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

«ШҮРТАНГАЗКИМ» МАЖМУАСИ

қуйидаги кимёвий реагентлар ва катализаторларни сотиб олиш учун 06/07-рақамли тендер савдосини эълон қилади:

Лот № 1. Алюминий оксиди — 910,0 тонна.
Лот № 2. 2,4 Пентадион — 77,0 тонна.
Лот № 3. Антиоксидант 1010 — 89,7 тонна.
Лот № 4. Катализатор САВ (VOCL₃ ва TiCL₄ катализаторларининг 80:20 аралашмаси) — 16,8 тонна.
Лот № 5. Катализатор CRS — 31 (ёки катализатор Клауса А988 TiO₂) — 15,0 тонна.

Тендер муддати эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб — 30 кун.
Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин.

«Шүртангазким» мажмуаси, 137300,
Ўзбекистон, Қашқадарь вилояти, Ғубор тумани,
Шүртан қўргони. Тел.: (998 75) 221-00-19, 780-85-72,
Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46.
Электрон почта: sgcc@sgcc.uz

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда қурилиши мўлжалланган умумтаълим мактаблари спорт залларига пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади.

Спорт иншоотлари қурилиши

1. Навоий шаҳридаги 8-сонли мактаб ёнида V типдаги болалар спорт мажмуаси.

Лот №1. 1-1. Нурота туманидаги 27-сонли мактабнинг 12x24 ҳажмдаги спорт зали.
1-2. Нурота туманидаги 11-сонли мактабнинг 9x18 ҳажмдаги спорт зали.

Лот №2. 2-1. Хатирчи туманидаги 15-сонли мактабнинг 12x24 ҳажмдаги спорт зали.
2-2. Кармана туманидаги 13-сонли мактабнинг 12x24 ҳажмдаги спорт зали.

Қурилиш ишларини якунлаш муддати — 2008 йил 1 июль.

Қурилиш ишларини молиялаштириш республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида катнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги бўш айланма маблағлари ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устас сармосиясининг миқдори, танлов объектига ўшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода катнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий шаҳри, С. Айний кўчаси, 32-уйда** жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-436) 225-53-85.

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

3 TA 1 DA

Xerox WorkCentre 3119 ofisda ham, uy yozuv stolida ham munosib o'rin egallaydi. Bu ko'p vazifali moslama ishonchiligi, ajoyib unumdorligi va albatta, universal ishlashi bilan ajralib turadi. Ixcham va qulay Xerox WC3119 hujjatlarni chop etishi, nusxa olishi va skanerlashi mumkin. Bunda uning narxi oddiy printerdan uncha farq qilmaydi!

Xerox. Zamonaviy yondashuv.

Xerox WorkCentre 3119 uy sharoitida ham, kichik ish guhurlarida ham ishlashga qulay. Bu moslamada oqilona vazifalar termasi takomillashgan texnologiyalar va tekshirilgan yechimlar bilan uyg'unlashadi.

Xerox WorkCentre 3119 hatto shaxsiy kotibingiz vazifasini ham bajarishi mumkin. Unda PaperPort dasturi bo'lib, u kerakli hujjatni tez topib, chop etishga imkon beradi.

XEROX

Technology | Document Management | Consulting Services

www.xerox.ru

Toшкент: "UCD Micros" (99871) 281 43 58, 281 43 61; "Sharifa T" (99871) 137 68 03.
mahsulot sertifikatlangan

Drive your way

Тел.: 250-11-11,
250-69-99,
Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертификатланган.


HYUNDAI Official Partner
www.hyundai-motor.com

ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ НАМУНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Абдуҷамил Шукуров, футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоси, жаҳон чемпионати тўпурари: — Мендан украиналик бир футболчи "Қоқилмай, шунча муваффақиятларга эришишнинг сабаби нима?" деб сўраб қолди. Унга Ватанимизда жамиятнинг барча қатлами қатори, биз — ногирон спортчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида гапириб бердим. Шунга муносиб бўлишга ҳаракат қиляпмиз, дедим. Қолаверса, 2007 йил — Ўзбекистонда Ижтимоий ҳимоя йили, деб эълон қилинган. Бу жамиятда яратилган неъматлардан

барча бирдай фойдаланади, дегани. Яъни, муруват ва одамгарчилик хислатларининг адолатли намоён бўлиши, демакдир. Ҳа, юртдошларимиз эришган зафар якунлиги бораётган Ижтимоий ҳимоя йилини чинакамига безадди. Шу Ватан, шу табаррук замин учун ўзини бағишлагга тайёр турган инсонлар Юртбошимиз ғамхўрлиги ва эътибори яна бир бор дил-дилдан ҳис қилмоқдалар. **Анвар Исмоилов, футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси бош мураббийси:** — Биринчи учрашувда амалдаги чемпион — Бразилияни ютишимиз йигитларимизни руҳлантириб юборди. Бугун беллашувлар давомида шо-



гирдларим мамлакатимиз раҳбари ва халқимиз уларни қўллаб-қувватлаётганлигини ҳис қилиб турдилар. Рақиблар дарвозасига киритилган 26 та тўп бизга қанчалик қувонч бахш этганини тасаввур қилсангиз эди. Стадионда жуда кўплаб томоша-

ва ниятимизга эришдик. Йигитларимиз кучли ирода ва матонат намоийиш этиб, жаҳон чемпионлигини кўлга киритди. Уларнинг барчасидан миннатдорман. Ҳар кун, ҳар тонг Анталиядан хушхабар кутиб яшадик. Эришилган ҳар бир ғалаба ҳақида қувончли муҳаббатларни эшитиб, беихтиёр тилимизда "Яши-ку!", "Баракалла!", "Ажойиб!", "Қойил!" деган хитоблар янгради. Уларнинг бу ғалабалари миллионлаб ўзбекистонликлар қалбига ақсадо берди. Бекиёс зафарингиз, Ўзбекистон номини юксак шохсупага олиб чиққангиз, чемпионатда ер юзининг турфа нуқталаридан келган, "манаман" деган мамлакатлар жамоалари ичра энг пешқадам бўлганингиз учун жамики ишчибозларнинг таъзимини қабул қилинг. **Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.**

Газ уягуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили куйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатида эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатида эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Мухтарам хонимлар ва жаноблар!

АТ «ПАХТА БАНК»нинг

акцияларини харид қилиб, мулкдор бўлинг ҳамда даромад манбаига эга бўлинг!

«Пахта банк» акциялари «Тошкент» Республика фонд биржасининг «А» тоифадаги расмий листингига киритилган бўлиб, энг ишончли акциялар эканлигидан далолат беради.

«Пахта банк» акцияларини «Тошкент» Республика фонд биржасида, шунингдек, «Пахта банк»нинг исталган филиалидан харид қилишингиз мумкин.

Эслатиб ўтамиз!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда қарорига асосан, жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади.

Шу билан бирга, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.

Имкониятни қўлдан бой берманг!

Кўшимча маълумот учун 150-53-66 телефон рақамига кўнғирок қилинг!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

| | | |
|--|--|--|
| <p>Сервер</p> <p>PY ECO200S2A XEON DP 5050 2 x 250G 2X 1GB ECC DVD-RW DL</p> | <p>LCD Мониторлар</p> <p>SCENICVIEW A17-2 SCENICVIEW E19-6</p> <p>Кафолат — 3 йил</p> | <p>Ноутбуклар</p> <p>FUJITSU SIEMENS COMPUTERS</p> <p>Баҳоси — 1 250 000 сўм ва ундан юқори.</p> <p>Кафолат — 2 йил</p> |
| <p>Манзил: Тошкент ш., Лисинов к., 2-уй. Тел.: 294-60-60. Факс: 120-74-93. www.nuron.uz</p> | <p>Шахсий компьютер FSC</p> <p>ESPRIMO P2511 946GZ CPU 420/512MB/80 GB Serial/DVD Serial ATA/Linux</p> <p>Кафолат — 3 йил</p> | |

Яқин вақтларгача Дангара туманининг азим Сирдарё соҳиллари бўйидаги Бағиш қишлоғида дурустгина мактаб ҳам йўқ эди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида олис қишлоқда шаҳарликлар ҳам ҳавас қиладиган агро-ноат касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Соҳилдаги янги мактаб

Икки миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланган таълим масканида қишлоқ ёшлари таълим олиш билан бирга агроном, бухгалтер, аудитор, қишлоқ хўжалик машиналари таъмирлаш устаси, ветеринария ва кадастр хизмат мутахассисларини ҳам эгаллашади. Бу ерда Бағиш ва атроф қишлоқларнинг 700 нафардан зиёд ёшлари билим олишлари, касб эгаллашлари, амалиёт билан шуғулланишлари учун ўқув хоналари, лабораториялардан ташқари, замонавий кутубхона, ёпиқ ва очик спорт заллари мавжуд.

Энди олис туманда ҳам қишлоқ хўжалиги тармоғи учун зарур бўлган мутахассисларга эҳтиёж тўла қондириладиган бўлди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Тюменская область – Ваш надёжный партнер

Презентация промышленного и инвестиционного потенциала Тюменской области

28 ноября 2007 в 16:00

в рамках Российской национальной выставки в г. Ташкенте (Узбекистан)

ЭКСПОЗИЦИИ: нефтегазовый комплекс, машиностроение, лесная отрасль, легкая промышленность

стенд № А-4

г. Ташкент, ОАО НВК «Узэкспоцентр», ул. Амира Темура, 107

Департамент инвестиционной политики и государственной поддержки предпринимательства Тюменской области

Российский Обои линолеум виниловые

тел. 234-48-11
факс 234-49-58

Форма оплаты — любая

Товар сертифицирован

Республика Магнитий тарғибот маркази Магнитий-магнитий тарғибот бўлими бош мутахассиси Ботир Чинибековга акаси

Баҳодир ЧИНИБЕКОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси «Инглиз тили назарий фанлари» кафедраси профессори Дилорам Ашуровага турмуш ўртоғи

Эрик ШОКИРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзттехника» масъулияти чекланган жамияти жамоаси «КеттутСилк» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Шухрат Абидович САГАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси доцент Акромжон Азизовга акаси, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси

Турғунмурз Азизович АЗИЗОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси «Илимий-тадқиқот бўлими»нинг хўжалик шартномалари сектори бошлиғи Шукрунино Муслимовага онаси

МЕҲРИЖАМОЛХОН аялининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси «Ноорганик моддалар кимёвий технологияси» кафедраси профессори А. Эркаева онаси

Томой БОЗОРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Э. Болнев. Навбатчи — З. Жонибеков. Мусахҳах — Х. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.00. Топширилди — 23.55